Ушбу сонда:
2 САЙЛОВ ҚОНУНЛАРИ АМАЛДА
3 TV ДАСТУРИ
4 «О» бормиди, раис? (ҳажвия)



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 30 октябр, шанба № 153 (800)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**29 октябр куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Яҳё бин Абдужаббор Ишонч Ёрлиғини топширди.**

Давлатимиз раҳбари Малайзия элчисини ушбу шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланганини билан табриклар экан, давлатларимиз орасидаги масофа олис бўлишига қарамай, ўзаро алоқалар самарадорлигини ошириш учун кўплаб имкониятлар мавжуд эканлигини қайд этди.

– Сизнинг элчи этиб тайинланганингиз ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга яхши сабаб бўлади,- деб ишонч билдирди Президент.- Малайзия, халқингизнинг анъаналари бизга яхши таниш, муштарак жиҳатларимиз ҳам анчагина.

Яҳё бин Абдужаббор ўз миссияси даврида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун куч ғайратини аямаслигини таъкидлади.

* * *

**Шу куни Президент Ислом Каримовга Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ҳусайн Нарокиён ҳам Ишонч Ёрлиғини топширди.**

Элчи билан суҳбатда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Эрон халқлари бир-бирини яхши билишини ва тарихда жуда кўп воқеаларни биргаликда кечирганини таъкидлади. Шунингдек, халқларимиз қадимдан қўшничиликда яшаб келгани, муштарак анъаналарга эга эканини айтиб, ҳозирги кундаги муносабатларни ҳам шу асосда давом эттириш фойдали бўлишини қайд этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Эрон ўртасида икки томонлама ҳамда ЭКО ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан ўзаро фикрлашиб олинди.

* * *

**Шунингдек, Президент Ислом Каримов Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Артур Пугадан Ишонч Ёрлиғини қабул қилиб олди.**

Элчининг Ўзбекистонда бошланаётган фаолиятига муваффақият тилар экан, Ислом Каримов, икки томонлама муносабатлар ўзаро ишонч асосига қурилгани ва изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкам бўлиши ва халқларимизга бирдек манфаат келтириши учун турли даражадаги ўзаро ташрифлар чоғида кўп иш қилинган. Жумладан, ҳозирга қадар йигирмадан ортиқ давлатлараро ҳужжат имзоланган. Бу икки мамлакат раҳбарларининг бир-бирини яхши тушуниши, бир-бирини қўллаб-қувватлашидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов элчи билан суҳбат чоғида Ўзбекистон Латвиянинг НАТО ва Европа Иттифоқига қўшилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

А.Пуга самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, ўзига икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга ҳисса қўшишдек шарафли вазифа юклатилганидан мамнуният изҳор этди ва бу йўлда бор куч-ғайратини ишга солажагини таъкидлади.

**(ЎзА)**

### ТАЖРИБА ВА ИСЛОҲОТ САМАРАСИ

Хоразм вилоятининг Шовот тумани деҳқонлари давлат буюртмаси ҳисобига тайёрлаш пунктларига сўнгги тонна пахтани жўнатдилар. Йиғим-терим мавсуми бошлангандан буён бу ерда 33 минг 350 тонна пахта тайёрланди ёки ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олинди.

- Мўл ҳосил етиштириш пахтакорларимиз учун осон бўлмади, - деди туман ҳокими Б.Ражабов. - Деҳқонларнинг бой тажрибаси ҳамда ислоҳотлар туфайли қишлоқда меҳнатга муносабатнинг ўзгаргани қийинчиликларни енгиб ўтишда асосий омил бўлди. Тумандаги хўжаликларнинг деярли ярми ширкатга айлантирилган. Шу боис деҳқонлар йиғиб-териб олган ҳосилнинг 90 фоизи юқори сифатли бўлди. Шу туфайли бир миллиард сўмдан кўпроқ даромад олинди.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

***Азиз дўстлар!***

*Сизларни пахта хирмонини 280 минг тоннага етказиб, шартнома режасини бажарганликларингиз билан самимий табриклайман.*

*Тошкент вилояти ўзининг улкан салоҳияти, имкониятлари, табиий бойликлари ва меҳнаткаш халқи билан мамлакатимизда алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда юртимизнинг равнақини, порлоқ келажагини таъминлашда, халқ хўжалигининг барча тармоқлари сингари пахтачилик соҳасида ҳам вилоят аҳолисининг муносиб ўрни бор. Сафингизда деҳқончилик борасида мактаб яратган миришкорлар борлигини яхши биламан. Улар эл-юрт олдида ҳамиша обрў-иззат қозонган инсонлардир.*

*Меҳнат зафарингизнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, сизлар терим стратегиясини пухта ишлаб чиқдингиз, синалган усулингиз – техникага таяниб янглишмадингиз. Вилоятда замонавий пахта териш машиналарида ўтган йилга нисбатан икки ҳисса кўп ҳосил йиғиб олинди. Натижада режа жуда қисқа фурсатда уддаланди.*

*Янги техника ва технологияга суяниш, меҳнатни тўғри ташкил этиш билан бирга, вилоят қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шакллари ривож топаётганлиги ҳам ютуқлар омили бўлмоқда. Она – Ватан хирмонига яна 20 минг тонна ҳосил топширишга бел боғлаганингиз чинакам ватанпарварлигингиздан далолатдир.*

*Сизларни улкан зафарингиз билан яна бир бор табриклайман, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда муваффақият тилайман.*

*Хирмонингизга, умрингизга барака!*

*Яратганнинг ўзи ҳамиша сизларга мададкор бўлсин!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Пойтахт вилояти пахтакорларининг улкан меҳнат ғалабаси

Тошкент вилояти пахтакорлари зафар маррасига етди. 108 минг гектар майдонда деҳқончилик қилган миришкорлар давлат қабул пунктларига 280 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб берди. Ҳар гектар ердан ўртача 27 центнердан ҳосил кўтарилди. Қарийб олтмиш минг тонна «оқ олтин» машиналар ёрдамида териб олинди. Эришилган ғалабада Чиноз, Оққўрғон, Пскент, Бекобод, Янгийўл, Ўртачирчиқ туманлари деҳқонларининг ҳиссаси катта бўлди.

Вилоятда йиғим-терим қизғин давом этмоқда. Деҳқонлар ўз имкониятларини чамалаб, режага қўшимча 20 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилдилар.

*Касаба уюшма ҳаёти*

## АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Денов туманидаги «Ҳазорбоғ» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Абдумўмин Мирзаев Аёллар йили муносабати билан 50 нафар хотин-қизларни соғломлаштиришни иш режасига киритган эди. Хайрли тадбир амалга ошди. Қишлоқ аёллари хўжалик ҳудудидаги Абу Али ибн Сино номли санаторийда бепул даволандилар. Сарф-харажатлар хўжалик ҳисобидан амалга оширилди.

- Умрим давомида шифохона нима эканлигини билмаганман. Тўсатдан дардга чалиндим. Бу ерга келганимдан сўнг билдимки, бўғинларимда туз тўпланган экан. Санаторийда 15 кундан бери даволанаяпман, ҳозир ўзимни қушдай енгил сезаяпман. Шахсан менга Трусковец шаҳридан келтирилган «Озакерет», Кисловодск ва Есентукидан олиб келинган шифобахш ичимлик сувлари дардимга дармон бўлди, - дейди хўжалик ишчиси Аксана Ханина.

– Хўжалигимиз хотин-қизларидан 50 нафарига маъмурият ҳисобидан бир миллион 400 минг сўмлик йўлланма олиб бердик. Улар орасида Анорхол Жўраева, Шарофат Тўраева, Роҳатой Рўзиева, Бодомой Абдиева, Салима Шодмонова, Шарбат Қобилова кабилар ўз саломатликларини тиклаб, меҳнат қучоғига қайтдилар, - дейди хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Абдумўмин Мирзаев.

Ҳа, аёллари, мунис оналари соғлом юртнинг фарзандлари соғлом бўлади. Шу элнинг боши тўйдан чиқмайди. Меҳнат кўтаринкилиги таъминланади. Шунинг учун ҳам «Ҳазорбоғ» ширкат хўжалиги барча соҳаларда ютуқларга эришиб келаяпти.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**





**Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Ал-Ҳаким ат Термизий мақбарасини таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор бермоқда. Натижада бу кўҳна мақбара яна ўзининг қадимий салобатини намоён этмоқда. Зиёратчи ва чет элдан келган сайёҳатчиларнинг боболаримиз санъатига меҳрини оширмоқда.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Шаҳрисабздан келиб мақбарани таъмирлаш ишларида қатнашаётган усталар Ғайрат Эшқобилов, Шуҳрат Дўстматов, Анвар Диёров. 2. Ат-Термизий мақбарасига кириш дарвозаси.**

**Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.**

Йиғилишда сиёсий партиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Марказий сайлов комиссияси раиси Н.Комилов мазкур масала хусусида ахборот бериб, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайлов кампаниясида муҳим босқич эканини таъкидлади. Марказий сайлов комиссияси 24 октябргача сиёсий партиялардан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган барча номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиб олган ва шундан кейин мазкур ҳужжатлар комиссия томонидан атрофлича ўрганиб чиқилган. Бу ҳужжатларни ўрганиш жараёнида комиссиянинг барча аъзолари фаол иштирок этди. Улар депутатликка кўрсатилган номзодларнинг таржимаи ҳоли ва иш фаолияти, улар ҳаётига оид бошқа ҳужжатлар билан яқиндан танишди. Шунингдек, сайловчилар ва жамоат ташкилотлари ҳамда сайловчи гуруҳлардан номзодлар ҳақида келган хат ва шикоятлар, таклиф ва мулоҳазалар ҳам ўрганиб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, комиссия аъзолари тақдим этилган жамики ҳужжатлар сайловлар тўғрисидаги қонун талабларига қанчалик мос эканлигини ҳам кўриб чиқди. Бу борада айниқса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, мазкур моддада депутатликка даъвогар номзод олдига қўйиладиган талаблар аниқ баён этилган. Шу боис ҳар бир номзоднинг ана шу талабларга қанчалик тўғри келиши ва келмаслиги кўриб чиқилди. Буларнинг барчаси Марказий сайлов комиссиясининг хулоса ва қарорларида тўла акс эттирилди. Сиёсий партиялардан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала муҳокамаси ҳам худди ана шу ўрганилган ҳужжатлар асосида бўлганлиги қайд қилинди.

Шундай қилиб, Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига 160 номзод, «Ватан тараққиёти» партиясидан 135, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 115, Фидокорлар миллий демократик партиясидан 223, Халқ демократик партиясидан эса 246 номзод рўйхатга олинди.

Мажлисда сиёсий партиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш шу йилнинг 31 октябрига белгиланган.

Мажлисда республика Давлат матбуот қўмитасининг раиси Р.Шоғуломовнинг мазкур қўмитанинг сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахбороти тингланди.

**(ЎзА)**

## ИНДОНЕЗИЯ: БАРҚАРОРЛИКНИНГ БОШЛАНИШИ

**Куни кеча Индонезия халқи мамлакат тарихидаги катта воқеанинг гувоҳи ва бевосита иштирокчиси бўлди. Мамлакатда илк бор демократик тамойилларга асосланган президент ва вице-президент сайлови бўлиб ўтди. Кейинги икки йил давомида Индонезияда юз берган иқтисодий танглик ва у бошлаб келган сиёсий беқарорликларга шу сайловлар интиҳо ясагандек. Шу боис дунё ҳамжамияти, жумладан, Ўзбекистон ҳам Индонезияда бўлиб ўтган сайлов жараёнини диққат билан кузатиб борди.**

**ЎзА мухбири Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси сиёсий бўлими раҳбари Абдураҳмон Дудунг билан учрашиб, ушбу мамлакатдаги сўнгги ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашди.**

- Индонезияда куни кеча бўлиб ўтган президент ва вице-президентликка сайлов мамлакатимиз сиёсий ҳаётида улкан воқеадир,- деди А.Дудунг.- Президент сайловида Миллий тикланиш партияси раиси Абдураҳмон Воҳид ғалаба қозонди. Демократия учун кураш партиясининг йўлбошчиси Мегавати Сукарнопутри хоним эса вице-президент бўлди.

Сайлов Индонезиянинг 54 йиллик мустақиллик даврида илк бор демократик асосда, ошкоралик руҳида ўтганини таъкидлаш жоиз. Абдураҳмон Воҳид ва Мегавати хоним халқнинг янги йўлбошчилари бўлиши сиёсий мувозанатнинг янги кўринишидир. Бу мамлакатнинг хавфсизлиги ҳамда сиёсий барқарорлиги таъминланишига, иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишига ва ниҳоят, халқимизнинг ижтимоий фаровонлиги ошишига, эртанги кунига ишонч уйғотади.

**- Индонезия Ўзбекистон мустақилликка эришгач биринчилардан бўлиб биз билан дипломатик муносабатлар ўрнатди ва иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйди. Ҳозир мамлакатларимиз ўртасидаги бу ҳамкорлик қай даражада ривожланмоқда, деб ўйлайсиз?**

- Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига 1992 йили Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Индонезияга буюрган расмий ташрифи мустаҳкам пойдевор қўйган эди. Ушбу ташриф чоғида мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлик, иқтисодиёт ва фан-техника соҳаларида ҳамкорлик ҳақида муҳим ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, Самарқанд-Банда Ачех шаҳарларининг биродарлашуви Индонезия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда ўзига хос воқеа бўлганини таъкидламоқчиман. Бундай ҳамкорликни янада кенгайтиришда Ўзбекистонда ҳам, Индонезияда ҳам имкониятлар катта. Айни пайтда мамлакатингизда Индонезиянинг «Бакри», «Тиратамас Комексиндо» каби йирик компаниялари, «БУЗТЕЛ» сингари қўшма корхоналар самарали фаолият кўрсатаётир. Индонезия Ўзбекистонда меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш ҳамда телекоммуникация соҳаси учун 800 миллион АҚШ долларидан ортиқ сармоя ётқизишни режалаштирмоқда.

Индонезия бундан кейин ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш дастурини тўла қўллаб қувватлайди. Ўзбекистон ҳам, Индонезия ҳам улкан табиий захираларга ҳамда тарихий ва маданий қадриятларга бой мамлакатлардир. Бу имкониятлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг янада равнақ топишига хизмат қилиши лозим.

**- Бундан икки йилча аввал Жануби-шарқий Осиё минтақасида юз берган молиявий танглик Индонезия учун ҳам кўп муаммоларни келтириб чиқарди. Айтинг-чи, ушбу бўҳрон Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка қай даражада таъсир этди?**

- Албатта, ушбу инқироз оқибатида Индонезия катта иқтисодий қийинчиликлар билан юзма-юз келди. Шунингдек, сиёсат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳаларида ҳам маълум муаммолар вужудга келди. Айни пайтда Индонезия иқтисодий танглиқдан чиқиш билан бирга, Сухартонинг истеъфосидан кейин бошланган сиёсий беқарорликка ҳам барҳам беришдек улкан муаммолар мажмуини ҳал этиши лозим эди.

Иқтисодий танглик Индонезия иқтисодиётининг пойдеворига ва тузилмаларига жуда ёмон таъсир қилди. Миллий валюта - рупийнинг АҚШ долларига нисбатан баҳоси 2 минг 400 дан 17 минггача арзонлашди. Аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайиб кетди. Бироқ, ҳайратланарли томони шундаки, Индонезияда умумий сайловлар бошлангач, иқтисодиёт яна ўнглана бошлади. Миллий валютанинг қадрсизланиши сусайди. Айни пайтда бир АҚШ доллари олти ярим минг рупийга баҳоланмоқда. Бироқ, нима бўлганда ҳам, бу қийинчиликлар Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга тўғаноқ бўла олмайди, деб ўйлайман.

**- Жаноб Дудунг, сиз бир неча йилдан буён Ўзбекистонда ишлайсиз. Мамлакатимиз, халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишишга улгургансиз. Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий янгиланишлар ҳақида нима дея оласиз?**

- Ўзбекистон 1991 йил мустақилликка эришганидан сўнг юртингизда улкан янгиланишлар даври бошланди. Мамлакатингиз маданий, маънавий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида рўй бераётган янгиланишларни диққат билан кузатиб бораман. Айниқса, мамлакатингизда бир қанча сиёсий партиялар кенг фаолият кўрсатиши, Омбудсман идораси, демократик институтлар ташкил этилиши, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги таъминланиши эътиборлидир. Тўхталмоқчи бўлганим яна бир мавзу шуки, Ўзбекистон ҳам катта сиёсий воқеалар арафасида турибди. Бу парламент ва Президент сайловларидир. Бу икки сиёсий воқеанинг натижалари Ўзбекистон халқининг порлоқ келажаги учун хизмат қилади, деган умиддаман.

**ЎзА мухбири**
**Саидмурод РАҲИМОВ**
**суҳбатлашди.**

# Сайлов қонунлари амалда

**Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши республика тарихидаги буюк воқеалар сирасига киради. Чунки, халқимиз илк бор ўз давлат мустақиллигига эга бўлди ва бу тарихий факт унинг Конституциясида мустаҳкамланди.**

## ЎЗБЕКИСТОН — ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ

*Конституциямиз ва Қонунларимизда халқ ҳокимиятчилигининг мустаҳкамланиши*

Мазкур ҳужжат дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат пайдо бўлганлигини акс эттирди. Бинобарин, Конституция халқнинг ўз-ўзини бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар давлат барпо этиш тўғрисидаги азалий орзусини ифодалайди.

Қомусда давлатнинг қиёфаси, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизимининг демократик табиати, унинг умуминсоний қадриятларга нақадар содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада юридик жиҳатдан ҳимояланганлиги кўзгудек акс этиб туради. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов «Конституциямизнинг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи - инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик,» деган эди.

Конституциянинг моҳияти унинг асосий принципларида намоён бўлади.

Аввало, «принцип» сўзининг тушунчасига тўхталадиган бўлсак, бу тамойил, раҳбарий ғоя демакдир. Фалсафа тили билан айтганда, «қонуният» ва «моҳият» сингари категориялар билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам давлат ҳокимияти ташкил этилишининг энг муҳим жиҳати - давлат суверенитети ва халқ ҳокимиятчилиги принциплари ҳисобланади.

Суверенитет - мустақил давлатнинг умумий ва ажралмас хусусияти бўлиб, унинг тўла ҳуқуқлилигини ҳамда ички ва ташқи ишларда бошқа давлатга қарам эмаслигини билдиради. «Ўзбекистон - суверен демократик республика» дейилади Асосий қонуннинг биринчи моддасида.

Ўзбекистон - демократик давлат. Бу эса ривожланган давлатларда тан олинган, эътироф этилган жамиятнинг ривожланиш қоидаларида асосланган, унда яшаётган халқларнинг келиб чиқиши, дини, эътиқодидан қатъи назар, уларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги ҳуқуқ ҳамда эркинликлари таъминланган давлат эканлигини билдиради.

Ўзбекистон Конституцияси халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлайди. Бу ҳокимиятнинг амалий ва юридик жиҳатдан халққа тегишли, халқ - давлат ҳокимиятининг ягона манбаи эканлигини билдиради. Давлат ҳокимияти халқнинг ўзи сайлаб қўйган ва ваколат берган идоралари томонидангина амалга оширилади. Ўзбекистон фуқаролари давлат ишларини бошқаришда бевосита, шунингдек ўз вакиллари орқали фаол иштирок этиб келмоқдалар. Улар давлат ҳаётидаги муҳим қонунларни қабул қилишда вакиллар орқали хоҳиш ва истакларини билдирмоқдалар. Бу эса ўз навбатида давлат ҳокимияти халқ томонидан амалга оширилаётганлигини билдиради. Давлат ҳокимиятининг Олий вакиллик органи - Олий Мажлисга ва фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла йиғинлари халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг ўз сайлов округларидаги сайловолди фаолияти янги шаклларда замон талаблари даражасида кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга, уни ривожлантириб боришда жамиятимизда ҳамма шароитлар яратиб берилган.

Ҳар бир жамият иқтисодий базасининг ўсиб бориши, унинг сиёсий фаоллигига боғлиқ бўлиб, Ўзбекистонда олиб борилаётган ўзига хос ислоҳотлар режага мувофиқ тараққий этиб бормоқда, бу халқ вакилларининг сиёсий фаоллигига янгича мазмун бағишламоқда.

Жойларда иқтисодий тамойилларнинг амалиётда муваффақиятли қўлланилиши, номзодларнинг сайлов округларида сайловолди фаолиятини режалаштириб олишлари учун имкон яратиб беради.

XIV асрда ҳокимият тепасига келган Амир Темур ҳам, ўз ҳудудида давлат бошқарувида халқнинг фикрини биринчи даражали деб билган.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳам халқ сайловларига гўё катта эътибор билан қаралган бўлса-да, лекин у халқ манфаатига мос келмас эди. Энди бу ҳол такрорланмаслиги учун Конституция ва қонунларда вазифалар, функциялар ваколатлар аниқ қилиб белгиланган, бу эса турли органларнинг самарали иш юрита олишлари учун шароит яратиб, уларнинг масъулиятини оширади.

**1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўн тўртинчи сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуни давлат органларига сайлов тизимини умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши, 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлов ҳуқуқига эга эканлигини амалга ошириш механизмини белгилаб берди.** Яқин ўтмишдан ҳаммамизга маълумки, етмиш йилдан ортиқ ҳукм сурган коммунистик мафкура даврида инсон ҳуқуқлари давлат томонидан амалга оширилади, деган ғояларга асосланиб яшадик. Мустақиллик туфайли инсон ҳуқуқларига нисбатан эътибор кучайиб бормоқда. Чунки биз энди инсон ҳуқуқлари инсонга табиатан берилган, ҳатто давлатнинг ўзи ҳам инсонлар томонидан яратилганлиги, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари сиёсий кафолатлари учун ташкил қилинганлигини тушуниб, англамоқдамиз.

**Даврон АҲМЕДОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти проректори, доцент.**

(Давоми бор)

## БИЗДАН СЎРАБСИЗ

**САВОЛ: Ҳурматли таҳририят! Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига номзодлар неча ёшдан сайланиш ҳуқуқига эга бўлади?**

**Ф.ИБРОҲИМОВ,**
**Шаҳрисабз тумани.**

**ЖАВОБ**: Бу ҳақда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг иккинчи моддасида тўлиқ тавсиф берилган. Унда кўрсатилишича, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлови умумийдир. Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунигача 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов кунигача 21 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида ҳокимиятнинг иккитадан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

**САВОЛ: Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг ваколатларига нималар киради?**

**М.САИДШОЕВ,**
**Жарқўрғон тумани.**

**ЖАВОБ:** Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси:

1) тегишли ҳудудда ушбу қонуннинг ижросини назорат қилади, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди ва сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан изоҳлар бериб боради;

2) тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради;

3) тегишли халқ депутатлари Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

4) тегишли сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб боради, уларнинг таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди, округ ва участка сайлов комиссияларининг қарорларини, башарти, бу қарорлар ушбу Қонунга зид бўлса, мустақил тарзда ёки вилоят, туман, шаҳар прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилиши мумкин;

5) депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимиятнинг вакиллик органларидан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

6) тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олади ва улар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

7) депутатликка номзодлар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитлар таъминлайди;

8) пул маблағларини тегишли сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди, сайлов комиссиялари, бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

9) тегишли халқ депутатлари Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетенлари, сайловчилар рўйхатлари, сайлов комиссиялари баёнлари, сайлов варақалари, ўз муҳри, сайловга оид бошқа ҳужжатларнинг шаклларини тасдиқлайди ва тайёрланишини таъминлайди;

10) сиёсий партиялар, маҳаллий давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахбротларини тинглайди;

11) тегишли халқ депутатлари Кенгашига ўтказилган сайлов якунларини чиқаради, сайланган депутатларни рўйхатга олади, сайлов якунларига доир маълумотларни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

12) депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур ҳужжатларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг Мандат комиссиясига топширади;

13) такрорий сайлов ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

14) тегишли сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

15) ушбу қонун жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

16) сайловни ўтказиш ва уни ташкил этиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивларга ўтказилишини таъминлайди;

17) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади. (11-модда)

**САВОЛ: Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига кимлар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга?**

**Д.МАЯСУПОВ,**
**Тошкент вилояти**

**ЖАВОБ:** Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари, бевосита фуқаролар эгадирлар.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бевосита фуқаролар эгадирлар.

20-моддада берилганидек, сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиш мумкин.

**САВОЛ: Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод неча нафар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин ва уларнинг ваколатлари нималардан иборат?**

**Қ.ЕРЖОНОВ,**
**Беруний тумани.**

**ЖАВОБ:** 26-моддада тавсиф қилинганидек, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод уч нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиш мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, маҳаллий давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олиб, уларга гувоҳнома беради.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

## ЯНГИ СИНОВ ВА ИМКОНИЯТ ДАВРИ

Ўзбекистонда ўтадиган навбатдаги сайловлар миллий тараққиётимиз ва демократиянинг ўзига хос намойиши бўлади. Лўнда ифодалаганда, бу жараён - янги синов ва имконият давридир. Жаҳондаги илғор андозаларга кўра, сайловчилар яширин, тенг ва эркинлик асосида ўз хоҳиш-иродасини ифода этадилар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлиши мумкин. Бу - Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги қонунларида ҳам ифодаланган.

Эркинлик сўзи замирида инсон ҳуқуқлари, фаровон ҳаётини ифода этувчи катта маъно мужассам. Собиқ тоталитар тузум даврида инсон эркини ифода этувчи мақолалар, маълумотлар «цензура»дан ўтказиларди. Сайловда қатнашаётган инсоннинг қай тариқа овоз бераётганлиги «назорат»га олинарди. Бу киши билмас тазйиқ эди... Юртимиз истиқлолга эришгач, ўзига хос ҳаёт тарзи вужудга келди. Фуқароларнинг сайловларда эмин-эркин қатнашишлари, ўзлари эътиқод қўйиб танлаган номзодларига яширин тарзда овоз беришлари қонун йўли билан мустаҳкамланган.

Сайловларга Қорақалпоғистон Республикасининг кўпгина округ, сайлов участкаларида пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳозирда бу ерда 400 дан зиёд маҳаллий кенгашларга округ ҳамда сайлов участкалари тузилган. Мутасаддилар масъулиятни ҳис қилган ҳолда тарғибот ишларини намунали олиб боришга ҳаракат қилишмоқда. Биз Нукус шаҳридаги «Қорақалпоқэлектртармоқлари» биносида жойлашган 46-сайлов участкасида бўлдик. 17 кишидан иборат комиссия аъзолари пухта режа асосида ҳаракат қилишяпти. Дид билан жиҳозланган хоналарда плакатлар, керакли адабиётлар, ўқув қўлланмалари мавжуд. Сайловларда илк бор қатнашадиган ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни қизиқтирган саволларга лўнда ва атрофлича жавоб қайтариш, йўл-йўриқлар бериш комиссия аъзоларининг диққат марказида. Эътироф этишларича, сайловчилар клуби ҳамиша гавжум. Куни кеча бу ерда «Ўзбекистон Конституциясида сайловлар ўтказилиши тартибининг ҳуқуқий асослари хусуси»да ўтказилган савол-жавоб кечаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Сайловчилар ташаббускорлар гуруҳи тўғрисида ҳам тўлиқ маълумот олишга эришдилар. Эътиборлиси шуки, комиссия аъзолари чойхоналарда, гузарларда, дала шийпонларида ҳам тез-тез бўлиб, кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, унинг масъулияти тўғрисидаги мулоқотлар, айниқса, жонли, қизиқарли ўтмоқда. Бу ишларда Жумагул Бердекова, Майригул Пиримбетова, Галина Аминовалар алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда. 2300 нафар сайловчи рўйхатга олинган мазкур сайлов участкасидаги ибратли ишлар намуна сифатида кўрсатилмоқда.

**Абду РАҲМОН,**
**«Ишонч» мухбири.**
**Қорақалпоғистон Республикаси.**

## ТАРҒИБОТ ЖОНКУЯРЛАРИ

Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгаши бўлажак сайловларга ҳозирлик кўриш билан боғлиқ масалаларни ўзининг кундалик иш режасига киритган ҳолда фаолият кўрсатаётир. Шунга биноан кенгаш ва йиғилишларда бу борадаги вазифаларни амалга оширишга доир тадбирларнинг қандай бажарилаётганлиги кўриб борилмоқда. Чунончи, сайловлар муносабати билан Кенгашнинг сайлов ва сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказиш режаси қабул қилинди ҳамда у барча бўғин касаба уюшма ташкилотларига етказилиб, ижроси назоратга олинди. Бу борадаги ишларнинг қай тариқа уддаланаётганлиги Кенгаш йиғилишида муҳокама этилмоқда. Ҳозиргача икки касаба уюшма қўмитаси раисларининг ҳисоботлари эшитилди.

Касаба уюшма фаоллари сайловга тайёргарлик тадбирларида, айниқса, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига мустақил номзодларни қўллаб-қувватловчи ташаббускор гуруҳлар ишларида фаол қатнашмоқдалар. Кенгаш раҳбарлари мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш вилоят марказининг ташкилий йиғилишларида мунтазам иштирок этишмоқда. Кенгашнинг бош меҳнат ҳуқуқ нозири Ғ.Каримов марказ аъзолигига киритилган.

Яқинда тармоқ қўмитасининг раиси Мираббос Жалиловнинг Косонсой ва Мингбулоқ туманлари жамоа хўжаликлари ва баъзи ташкилотларда ўтказган сайловлар билан боғлиқ суҳбатлари қизиқарли бўлди. Шунингдек, тармоқ қўмиталари раислари ва Кенгаш масъул ходимларидан М.Дадабоева, А.Набиев, Ғ.Каримовларнинг ҳам жойларда сайловларга оид чиқишлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. 20 нафар касаба уюшма раҳбарлари округ, 31 нафар касаба уюшма етакчилари участка сайлов комиссияларининг аъзолари бўлиб, сайловолди ишларини тобора кучайтирмоқдалар. Ҳозиргача жойларда 120дан ортиқ йиғилишлар ўтказилди ва уларда 55 мингдан кўпроқ, сайловчи-касаба уюшма аъзоларининг иштироки таъминланди. Бундан ташқари, сиёсий партиялар, бошқа жамоат ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида ва маҳаллаларда уюштирилган шундай тадбирларда касаба уюшма фаолларининг иштироки таъминланмоқда ва маърузалари ташкил этилмоқда.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## *Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради*

**САВОЛ: Рўзномангизнинг 1998 йил 19 декабр сонида «Фуқаролар манфаатининг устувор ҳимоячиси» сарлавҳали мақолада тиббиёт ходимларига берилган имтиёзлар тўла ва аниқ кўрсатилган бўлиб, газ бепул деб ёзилган эди.**

**Лекин, вилоят молия бошқармасининг 1998 йил 23 ноябрдаги хатига асосан ҳар бир тиббиёт ходимига хонани иситиш учун 15006 сўм қилиб белгиланган. Шу тўғрими?**

**Хонқа тумани тиббиёт ходимлари: А. Мадраҳимов, Р.Матчанов, М.Искандаров ва бошқалар.**

**ЖАВОБ**: «Ишонч»ни доимо ўқиб туриш керак. Чунки ходимларга бериладиган имтиёзларга ҳозирги кунда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилмоқда. 1999 йилда ҳам газетада бундай имтиёзлар тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Қишлоқ жойларда ҳам яшаб, ҳам ишлаётган тиббиёт ходимлари яшаш хоналарини иситишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

1988 йилдаги 392-сонли қарорга мувофиқ аҳолиси икки мингдан ортиқ бўлган қишлоқ жойда ва шаҳар типидаги посёлкаларда ҳам яшаб, ҳам ишлайдиган тиббиёт ходимларига ва улар билан бирга бир хонадонда яшовчи оила аъзоларига яшаётган хоналарини иситишдан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилган бўлиб, бу ҳуқуқдан тиббиёт ходими ва у билан бирга яшаётган оила аъзолари 1999 йилнинг 1 январигача фойдаланиб келишган.

Хоналарни иситишда марказлаштирилган иситиш тизимидан фойдаланиш мумкин.

Газдан фойдаланилганда фақат хоналарни иситишда имтиёз берилади. Бошқа ҳолларда, яъни овқат пишириш, чой қайнатиш ва ҳоказоларда газдан фойдаланганлик учун умумий тариф бўйича ҳақ тўланади.

Агар 1 январ 1999 йилгача тиббиёт ходими ва унинг оила аъзолари бу имтиёзлардан фойдаланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли қарори билан 1999 йил давомида хоналарни иситишда газдан фойдаланган ҳар бир тиббиёт ходимининг имтиёзли тариф меъёри тасдиқланган. Бу меъёрга асосан тиббиёт ходимининг иситиладиган яшаш жойи 40 м² майдони ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари учун бир ойлиги 240 м³, бир йиллиги 2880 м³, бошқа вилоятлар учун бир ойлиги 220 м³, бир йиллиги 2640 м³ дан ҳақ олинмайди.

Кўрсатиб ўтилган меъёрлардан ортиғига умумий тариф асосида ҳақ тўланади.

Тиббиёт ходими хоналарни иситишдан имтиёзли фойдаланади деган гап, газ ва иситиш билан таъминловчи идораларга ҳақ тўланмайди дегани эмас. Газ ва иситиш учун соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан смета тузилиб, улар томонидан ҳақ тўланади.



**Оққўрғон туманидаги «Пахтабанк» бўлимида сайловолди тарғибот ишлари намунали олиб борилмоқда. Бу ерга ҳуқуқшунослар, олимлар, олий ўқув юртлари профессорлари таклиф этилиб, ходимларни қизиқтирган мавзуларда савол-жавоблар уюштирилмоқда. Уларни ташкил этишда бош мутахассис М.Аъзамхўжаева алоҳида жонбозлик кўрсатаётир. Айни кунларда банк ходимлари мижозлар талабини тўла қондириш учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланмоқдалар.**

**Ҳ.АВВАЛОВ олган сурат.**

*Касаба уюшмалари ва йиғим-терим*

**Андижонликлар деганда кўз ўнгимизда янгиликка интилувчи, замонавий технологияларни жорий этишда ташаббускор, доимо изланиб яшайдиган, бир ишга бел боғласа бутун борлиғи билан киришадиган, лафзи ҳалол, танти инсонлар намоён бўлади.**

**(Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Андижон вилояти пахтакорлари, барча меҳнаткашларига табригидан)**

# ДЕҲҚОН ТАЯНЧИ

Вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг вилоят ҳокимлиги билан ижтимоий шерикчилиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса шубҳасиз вилоят халқ хўжалиги жабҳаларида эришилаётган салмоқли ютуқларнинг асосий омили бўлаяпти.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам вилоятимизда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажаришга якдиллик билан киришилди. Вилоят ҳокимининг мазкур ҳужжатга мувофиқ қабул қилган қарорига асосан пахта йиғимида ҳашарчиларга яратилган шарт-шароитларни ўрганиш, камчиликларни бартараф этиш бўйича махсус комиссия тузилиб, мавсумда ибратли фаолият кўрсатди. Комиссия қошида жойлардаги шароитларни ўрганиб борувчи 7 та гуруҳ ташкил этилиб, уларнинг ҳар бири 2 тадан туманга бириктириб қўйилди.

Комиссия аъзолари мунтазам равишда туманларда бўлишиб, вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг 1999 йил пахта йиғим-терими даврида амалга ошириладиган чора-тадбирлари дастурининг белгиланган муддатларда бажарилишини назорат қилиб бордилар.

Ўз фаолиятлари даврида улар ҳашарчилар, барча меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш чораларини кўрдилар. Айниқса, теримчиларнинг иш ҳақларини ҳукумат қарорига асосан ҳар 5 кунда бериб борилишини қатъий назоратга олдилар. Натижада, бугунгача теримчиларга 2 миллиард 700 миллион сўм маблағ тарқатилишига эришилди.

Мавсумда қатнашаётганларга кўрсатилаётган тиббий, савдо ва маданий хизмат, уларнинг яшаш жойларидаги санитария аҳволи комиссия аъзоларининг диққат марказида бўлди. Меҳнат муҳофазасини ҳар жиҳатдан яхшилаш, ҳашарчиларнинг яшаш ва ишлаш жойларида техника хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Кенгашнинг меҳнат-техник нозирлари вақти-вақти билан хўжаликларга чиқиб туришди.

Ишчи гуруҳлари жойларда аниқлаган камчиликлардан вилоят ва туман ҳокимликларининг тегишли бўлим-бошқармалари вақтида хабардор қилиниб, мавсумга эътиборсизлик билан қараган мансабдор шахсларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди. Ҳамжиҳатликда ҳашарчиларнинг яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилашга эришилди.

Вилоят касаба уюшмалари тизимидаги энг катта тармоқ — деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшма ташкилотининг йиғим-терим мавсумидаги иштироки айниқса катта бўлди. Тармоқ фаоллари жойларда меҳнаткашларга, жумладан ҳашарчиларга зарур шарт-шароитлар яратиш ишларига бош-қош бўлдилар. Улар ишловчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириб боришга ҳам алоҳида эътибор бердилар. Айтиш мумкинки, деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшма туман ва хўжалик қўмиталарининг раислари «оқ олтин» мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этишда юқоридаги комиссиянинг жойлардаги таянчи бўлдилар.

Мана, бир неча йилдирки, вилоятимиз меҳнаткашлари Жиззах вилояти пахтакорларига ҳосилни йиғиштириб олишда яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар. Бу йил ҳам Жиззахга вилоятимиздан 10 минг нафар ҳашарчи жўнатганмиз. Фаолларимиз бу ерда ҳам ҳашарчиларга зарур шароитлар яратиб бермоқдалар. Деҳқончилик саноати ходимлари вилоят қўмитаси ҳамда бир қатор туман қўмиталарининг раислари айнан шу масалада Жиззах вилоятига хизмат сафарига жўнатилганлар.

Мавсумда вилоятимиздаги мавжуд олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, муаллимлар жамоалари фаол қатнашдилар. Ҳашарда қатнашган 29 минг нафар талаба-ёшларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини ташкил этишда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма тармоқ қўмитаси фаоллари, жумладан, талабалар касабақўми раисларининг ҳиссалари катта бўлди.

Бундан ташқари, мулкчилик шаклидан қатъий назар вилоят ҳудудидаги аксарият корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи-хизматчилари пахта мавсумида кўнгилли равишда қатнашдилар. Тегишли тармоқ касаба уюшма қўмиталари эса ҳашарчиларга зарур шароитлар яратиб бериш пайида бўлишди.

Касаба уюшмалари тизимидаги маданият муассасалари, жумладан бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари, кутубхоналар жамоалари ҳам пахтакорларга маданий хизмат кўрсатдилар.

Бир сўз билан айтганда, мавсум давомида фаолларимиз меҳнаткашларнинг ҳақиқий таянчи, ҳимоячилари эканлигини амалда исбот этишди.

Мавсумда жами 180 минг нафар ҳашарчи фаол қатнашди.

Буни яқиндан ҳис этган пахтакорлар вақт билан ҳисоблашмай ишлашиб, республикада биринчи бўлиб, йиллик шартномавий топшириқларини адо этдилар. Давлатга 310 минг тоннадан зиёд сифатли пахта хом ашёси сотилди. Ёки 110 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,2 центнердан ҳосил олинди.

Юртбошимизнинг вилоятимиз пахтакорларининг юксак ғалабаси муносабати билан йўллаган табрик хати теримда иштирок этган ҳар бир фуқарони янги меҳнат ғалабалари сари руҳлантирди. Вилоятимиз меҳнаткашлари теримини давом эттириб, яна 30 минг тонна пахта топширишга аҳд қилдилар.

Кўзланган мақсад йўлида биз касаба уюшма фаоллари терим қатнашчилари билан бирга бўламиз. Уларга нормал яшаш ва меҳнат шароитлари яратиш, манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоялаш чораларини кўрамиз.

**Азизбек СОДИҚОВ,**
**Андижон вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси**

*Ҳамкасбларимиз*

# ГАЗЕТАЧИ ЙИҚҚАН ДАВЛАТ

Газетачи ўз ҳамкасби ҳақида нима дейиши мумкин? Айниқса, соҳанинг бутун машаққатини ўзида синаб кўриб, сўқмоқларда қоқинмай олтмишнинг олтин остонасини босиб турганда?! Нафсиламбрини айтсак, энг аввало бутун оғирлик юракка тушадиган касбнинг «ноз-фироқлари»га чидаб шу муборак айёмга етгани учун шукроналик изҳор этиб, насиб этган толе нашъасини баҳам кўриш истаги жўш уради. Зеро, қалам тутган ва шу орқали ўз бахтини кўрган киши ҳар сафар турмушнинг навбатдаги машмашаси билан юзма-юз бўлар экан, ўзганинг қайғуси, ташвишини гарданга олиб, қайноқ кураш жабҳасига қадам қўйганда ғарқ бўлишга маҳкум этилган ғаввос ҳаяжонини ҳис этади-ю, бироқ қирғоққа эсон-омон чиқиб олгач, худди дарахт танасига суяниб нафас ростлагандек, яна янги ташвишлар уммонини ҳис этади, шу билан тўлқинлар оғушига сингиб кетиб йўқ бўлиш эмас, балки қирғоққа тирик чиқиш қисмати эканини яна қайта зеҳндан ўтказади ва боз неча бор бу уммонга «калла ташлаш» лозим топилса, тайёр эканлигини изҳор этади. Билсангиз, газета саҳифалари ҳарфзор майдон эмас, балки инсон тақдири манзараларини ўзида мужассамлаштирган чуқур уммондир. Бу «уммон» газета бўлиб қўлларга тутилгунча унинг заҳматкашлари ўзларини бир неча бор оқимга ташлайдилар ва теранликларда фаромуш бўлган инсон маънавияти жавоҳирларини қирғоққа ташийдилар. Бу ғаввосларнинг бири мухбир, бири котиб ва ҳоказо деб аталади ҳамда уларнинг ишига мазмун, ҳаракатига жасорат бахш этиб турувчи корфармонлар - муҳаррирлар ҳам бўлади. Таъбир жоиз бўлса, уммон заҳматкашлари бир сира озор чексалар, уларнинг раҳбарлари икки, уч бора ташвишни кечирадилар: улар жавоҳирлар яширинган жойларни забт этадилар ва қўлга киритилганини саралайдилар ҳам. Бизнинг Салоҳиддин ака узоқ йиллардан бери ана шундай хизматга камарбасталар.

Айни пайтлар миллий журналистикамизнинг қилкўприкдан ўтиб, сараланадиган пайти. Реал воқелик янги қиёфа касб этмоқда, нуқтаи назарлар ўзгариб, тескари - боши билан қадаб қўйилган қадриятлар ўнгланаяпти. Ҳозир Даврни тушунишнинг ўзи бир масъулият, уни ҳис этиб, ақл ва тафаккур кўзгусида бошқаларга тушунтириб бериш ундан минг чандон оғир масъулият. Ана шундай шароитда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист С.Муҳиддинов раҳбарлик мақомида - «Халқ сўзи» газетасида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб самарали ишлаб келаяпти.

... Нуқул танқидга нишон бўладиган ходимлардан бири туйқусдан кириб келди-да:

- Салоҳиддин ака, шу кеча биринчи марта юрагим санчди, - деди.

Унинг чарчоқ нигоҳига кўзи тушгач, ака чуқур ўйлов ичида қолди. Шунда бутун умр муаллимлик қилиб ўтган, кексайганда маҳалланинг доно маслаҳатчисига айланган падари бузрукворининг уқтирган энг қатъий маслаҳати хаёлига келди. Шунда яхши-ёмон кунларни кечириб, турли даражадаги одамлар билан мулоқотда бўлиб орттирган ҳаётий хулосасини эслади. Шунда ҳозир ва бундан кейин ҳам баралла янграйдиган, бироқ доим инсоф қулоғи билан эшитилаверилмайдиган ўша оддий калом ёдига тушди: «Инсонни асранг!». Ходим бошқа бир ҳамкасбига эмас, унга мурожаат қилди. Салоҳиддин ака жамоанинг ҳар бир аъзосида ўзини тушуна олишига ишонч уйғотган эди.

«Нима эксанг, шуни ўрасан» дейдилар. Ҳамкасбимиз соҳанинг қайси сўроғига жавоб бермасин, ўша таомилида собит қолди - ташвишлар ўткинчи, заҳматлар ортидан келадиган роҳат барча қийноқларга малҳам бўлади, тун ортидан кундуз келади, бироқ қайтмас ҳилқат, бир-бирига меҳмон саналмиш Инсонни асранг! Бугун шу эътиқод билан яшаган одам кўпларнинг меҳрида, ардоғида. Умрингизда эришган тож-тахтингиз муборак бўлсин, Салоҳиддин ака!

**Ҳожикул СУЛТОНОВ.**

**Жаркўрғон туманидаги Норали Боймуродов номли жамоа хўжалиги вилоятдаги пешқадам хўжаликлардан ҳисобланади. Бу ерда белгиланган режаларни зиёди билан бажариш билан бирга аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинги пайтларда бунёд этилган «Меҳнат роҳат», «Қаноат», Исмоил тепа маҳалла гузарлари бунга яққол мисол бўла олади. Гузарларда бозорчадан тортиб тикувчилик, нонвойхона, сартарошхона ва бошқа хизмат турлари ишлаб турибди. Ҳар бир гузарда 40дан ортиқ иш ўринлари ташкил этилган.**





**Суратларда:1. «Меҳнат роҳат» маҳалла гузаридаги савдо маркази биноси 2. Тикувчи Гулчеҳра Саидова.**

**Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

*Излаган имкон топади*

# ТУТУНДАН ДАРОМАД

Урганч иссиқлик корхонаси Хоразм вилояти марказининг ҳамда марказ атрофидаги ишлаб чиқариш корхонаси ва маъмурий идоралар биноларини иссиқлик билан таъминлайди. Корхона соатига 150 тонна буғни ҳайдай олади ва бунинг натижасида атмосфера ҳавосига жуда кўп миқдорда тутун чиқаради. У эса тирик организм учун заҳардир.

Буюк табиб Ибн Сино: агар тутун ва чанг бўлмаса инсон минг йил умр кўрар эди,-деб афсуслангани ҳам бежиз эмас.

Иссиқлик корхонаси экскаватор таъмирлаш заводи билан ҳамкорликда табиатни заҳарлаётган ана шу тутунни ишлаб чиқариш учун фойдали бўлган карбон газига айлантириб, ундан даромад олмоқда. Бу янгиликни муҳандислар - иссиқлик корхонаси директори Ҳайитбой Жумабоев билан экскаватор таъмирлаш заводи муҳандиси Марим Оллобергановлар яратишди. Ҳозир республикамизда янги бўлган бу цехга М.Оллоберганов бошчилик қилмоқда. Тутундан олинаётган карбон гази пайвандлаш ишларида, газ ичимликлари тайёрлашда, кўз ва кўкрак жарроҳлигида, озиқ-овқат ва сабзавотларни сақлашда фойдаланилади.

Тутундан йилига 31 тонна карбон гази ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса ҳар иккала корхонага йилига бир миллион сўмдан зиёдроқ соф даромад келтираётир. Шуни эътиборга олиб Республика табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўтган йили май ойида бу ерда кўрик-семинар ўтказди.

**Эркин ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Бозор талаби қатъий*

# САРҲИСОБ

**Савдо соҳаси халқ хўжалигининг барча соҳаларини бир-бирига боғлаб турган асосий риштalardan бири ҳисобланади. Мустақиллик халқ хизматига камарбаста, юртдошларига, она-Ватанига беминнат хизмат қилиш иштиёқидаги ҳар бир савдо ходимига катта имкониятларни берди. Савдо соҳасидаги туб ўзгаришлар, унинг давлат монополиясидан чиқарилиши, эркин савдога кенг йўл очиб, соҳа аҳли учун ҳам, харидорлар учун ҳам қулайликларни юзага келтирди.**

Бугунги кунда катта муваффақиятларга эришаётган тадбиркор ёшларимиз етишиб чиқаётгани, эски тузум даврида етказиб берилган тайёр молни жон койитмай сотиб ўтиришга ўрганиб қолган, эндиликда замон талабларини кўтара олмай «бели синаётган» эски савдогарларимизнинг борлиги рост. Уларни янгича иқтисодий сиёсат, ислоҳотлар, бозор муносабатлари, истеъмолчиларнинг ўсиб бораётган маънавий ва моддий дунёқарашлари сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратмоқда. Энг муҳими, савдогарлар онгида мулкка эгалик, тўлақонли хўжайинлик ҳисси шаклланиб бормоқда.

Аҳоли таъминотида узилишларга йўл қўймаслик, энг зарур бўлган озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларининг етишмаётган қисмини республикамиз ташқарисидан келтириш йўлидаги мавжуд қийинчиликларнинг ечимини топаётган савдо ходимлари халқ манфаати - алал-оқибат ўз манфаатидан бошқа нарса эмаслигини тушуниб етмоқдалар.

Савдо соҳасидаги катта ўзгаришлар жараёни соҳа касаба ташкилотларининг ҳам иш услубини, дунёқарашини ўзгартириш билан бирга йиғилиб қолган жуда кўп муаммолар ечимини топиш учун билимдонлик ва ташаббускорликни талаб қилмоқда. Ўтган ҳисобот даврида соҳа касаба ташкилотлари иш берувчилар билан меҳнаткашларнинг иш ҳақларини ошириш, ўз вақтида тўлаб бориш, хўжалик раҳбарларининг айби билан вақтида берилмаётган маошларни индексациялаш тўғрисида музокаралар олиб бориб, сезиларли ижобий натижаларга эришдилар. Бу борада жамоа шартномаларига тегишли бандлар киритилиб, уларнинг бажарилиши таъминланди.

1997 йилда «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси билан биргаликда тизимда иш ҳақларининг энг паст миқдори ҳамда меъёрларини ошириш тўғрисида қўшма қарор қабул қилинди. Президент фармонлари асосида иш ҳақларининг оширилиши ҳам қаттиқ назоратга олинди. Ҳар бир савдо корхонаси, акциядорлик жамиятларида жамоа шартномаларининг тузилишига эришилиб, уларда кўзда тутилган бандларнинг бажарилишини таъминлаш чоралари кўрилди, айрим бандларнинг бажарилмаслик сабаблари таҳлил этилди.

Жорий йилнинг ярим йиллигида жамоа шартномаларида белгиланган тадбирларнинг 86 фоизи бажарилган бўлса, қолган тадбирларнинг ҳам йил охиригача бажарилишини таъминлаш учун музокаралар олиб борилмоқда. Жамоа шартномаларида ижтимоий ночор ходимларга, ёлғиз оналарга, кўп болали оилаларга алоҳида эътибор қаратилган. Адресли ёрдам, ночор оилаларга ўқув қуроллари, кийимлар олиб бериш, қисқартирилган иш кунларини жорий қилиш, қўшимча таътиллар, моддий кўмак бериш алоҳида белгиланган.

Тармоқда соғломлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Меҳнаткашларга ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан санаторий, дам олиш уйларига йўлланмалар бериш билан чегараланиб қолмай, хўжалик, ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан ҳам йўлланмалар берилди, уларнинг 70 фоизи бепулдир. Бугунги кунда тизимдаги «Хумсон», «Матлуботчи» ва «Иссиқбулоқ» сиҳатгоҳларини ким билмайди, дейсиз.

Савдо тизимидаги 13 та болалар оромгоҳларининг фаолиятидан ҳамманинг бирдек кўнгли тўқ. Жорий йилнинг ўзида оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш учун 29 миллиондан кўп маблағ сарфланди. 2 та оромгоҳ 2 босқичда ишлаган бўлса, 8 таси 3 босқичда, Фарғонадаги 2 та оромгоҳ эса 4 босқичда ишлади. 7079 бола соғломлаштирилиб, режа 108 фоизга бажарилди. Оромгоҳларда таъминотнинг оқсаб қолишига йўл қўйилмади.

Бир неча йилдирки, бизнинг болалар оромгоҳларимиз «Болаларнинг дам олишини энг яхши ташкил қилиш» бўйича республика кўрик-танловида қатнашиб совринли ўринларни олиб келмоқдалар. Айниқса, Қорақалпоғистоннинг «Жулдузша», Сурхондарёнинг «Отарбоев», Қашқадарёнинг Охунбобоев номли, Самарқанднинг «Юлдузча», Навоийнинг «Матлуботчи» оромгоҳлари энг намунали оромгоҳлар сирасига киради.

Шунингдек, оммавий спортни ривожлантириш, турли мусобақа, спартакиадалар ўтказиш ҳам савдо тизимида ишловчилар учун одат тусига айланиб бормоқда. Республика миқёсида Андижон, Нукус, Тошкентда ўтказилган ходимлар, қариялар, раҳбарлар ўртасидаги теннис, Фарғона, Самарқанд, Тошкентда ўтказилган минифутбол, Хоразмда бўлиб ўтган спартакиада, «Отам, онам ва мен - аҳил оила» спорт мусобақаларининг шукуҳи ҳали ҳамон қатнашчиларни ҳам, томошабинларни ҳам тарк этгани йўқ. Бундай мусобақалар ҳар бир вилоятда, туманда, ташкилотда ўтказилган.

Ҳукумат дастурлари асосида иш ташкил қилиш билан бирга, «Инсон манфаатлари», «Оила», «Аёллар» йилларида қариялар билан, савдода ишлаган раҳбар фахрийлар билан бугунги кунда ишлаётган раҳбарларнинг Андижон, Ўш, Жалолобод, Фарғона водийсидаги вилоятларнинг савдо тизимида ишлаган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг учрашувлари ташкил қилинди. Республика миқёсида соҳада ўтказилган турли мавзудаги тадбирлар вилоят, туманларда ҳам бўлиб ўтди.

«Оила» йили муносабати билан «Келажак юлдузлари» деб номланган кўрик-танловда савдо ходимларининг иқтидорли болалари иштирок этган бўлсалар, яқинда бўлиб ўтган «Балли, қизлар!» кўрик-танловида вилоятлардан келган сотувчи қизларимиз касб маҳоратлари бўйича куч синашдилар. «Аёллар йили» муносабати билан аёлларимизнинг иш кунлари бир соатга қисқарган ва турли имтиёзлар берилганлиги уларга жуда қулай бўлди.

Ижобий ишлар билан бирга соҳа касаба ташкилотининг ўзига хос қийинчиликлари, ташвиш ва муаммолари ҳам кўп. Иқтисодий ислоҳотлар касаба аъзоларининг кескин камайишига, йирик касаба ташкилотлари тузилишининг ўзгаришига, касаба аъзоларининг бошқа соҳа касаба ташкилотларининг таркибига ўтишига олиб келганлиги, натижада аъзолар сонининг 10 фоизга камайиши ташвишланарлидир. Бунга, албатта, касаба фаолларининг бепарволиклари, ташкилотчилик қобилиятининг етишмаслиги, аъзоларни ишонтира олмаганликлари, касаба маблағлари тушумини бажармаганлиги ва белгиланган мақсадларга сарфлай олмаганликлари ҳам сабаб бўлди.

Савдо аҳлининг барчасини ягона жамоат ташкилотига жалб қила олгандагина уларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини тўлақонли ифода этиш мумкин. «Бозор» ўз кучини кўрсатаётган шароитда хусусий шохобчаларда ёлланиб ишлаётганларнинг муаммоларини соҳа касаба ташкилотидан бошқа ким ҳам тўлиқ билиши мумкин. Савдогарларнинг ягона жамоа ташкилоти бўлган соҳа касаба ташкилотининг ўз ўрни ва мавқеи борлигини касаба фаолларимиз унутмасликлари лозим. Хусусий шохобчаларда меҳнат қилувчиларни касаба ташкилотларига жалб қилишнинг асосий йўлларидан бири ана шу корхоналарда меҳнат қонунларининг бажарилишини таъминлаш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўз ҳуқуқларини тушунтириш ишларидир.

Яна бир муаммо - соҳада иш ҳақларининг халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан пастлиги. Бу борада музокаралар олиб бориш учун касаба фаолларида иқтисодий билимлар етарли, таҳлил қилиш қобилияти бўлиши керак. Иш ҳақларини ошириш чораларини иш берувчилар билан биргаликда ҳал этишлари, қолаверса, бу ҳар бир савдо ходимининг ўзига ҳам боғлиқ эканлигини уларга тушунтиришлари керак.

Иш ҳақларининг пастлиги касаба бюджетининг ҳам ночор бўлишига сабаб бўлмоқда. Тушумларнинг тўла таъминланмаслиги эса зиммадаги масъулиятни, вазифаларни бажариш имкониятларини чегараламоқда. Бугунги кунда бирлашган касаба ташкилотларини тузиш, бизнинг соҳамизда ҳаётий зарурриятга айланди. Соҳада маош олиб ишловчи бошланғич касаба ташкилот қўмиталарининг раислари жамоатчилик асосида ишлашга ўтган бўлсалар, юқори бўғин касаба ташкилотлари бирлашмоқда, штатлар бирлиги бир-бирига қўшилмоқда.

Мустақиллик савдо ходимларига ижобий кўз билан қараш, касбни улуғлаш, ўз касби билан фахрланиш имконини берди. Халқ ҳақиқий савдогар билан савдо илмининг «алиф»ини ҳам билмайдиган, кўча-кўйда ёйма очиб, ўзини савдогарман деб ўтирган сохта «савдогар»ларнинг фарқига бормоқда. Савдогарлар обрў-эътибор топаётган бир вақтда, сиёсий жараёнларда иштирок этишда сусткашлик қилмоқдалар. Халқ ноиблари орасида уларнинг камлиги бунинг далилидир. Ҳар томонлама билимдон, ўз касбининг устаси бўлган савдо аҳли вакилларининг Парламентда бўлиш вақти келмадимикан? Савдога оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилса, соҳа ҳаётидаги энг катта ютуқ бўлар эди.

**М.ҲОШИМОВА,**
**Савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг раиси.**

## Мозий сабоғи

# САНЪАТ – ЎЛМАС ХАЛҚ МУЛКИ

Бир замонлар нобакор дин аҳли йиғилиб, бахши ва бахши шоирлар устига мағзова тўкиб, уларнинг айтишувларини қоралашарди. Шундай тоифадагилардан бир гуруҳи Шоҳга бахшиларнинг устидан арзнома битди. Бидъатгача бориб етди.

– Шоҳим, булар шайтонмисол бандалар. Динимизда қўлига соз олиб қўшиқ айтиш, рақсга тушиш тақиқланади. Сизни бундан огоҳ айламоқ бурчимиздир, – деди муллоларнинг йўл бошловчиси.

Шоҳ якдил хулосага келмоқ ниятида муллоларнинг йўл бошловчисидан сўрабди.

– Хў-ўш, қандай маслаҳат солурсизлар?

– Андак сўзимизга қулоқ оссангиз...

– Сўйлангиз, мулло – Бошир? – деди шоҳ иккинчи муллога юзланиб.

– Булар қип-қизил шайтон. Айтишаётганларининг барчаси ёлғон. Иллобилло дунё юзи бино бўлиб бундай қаҳрамонликларни кўрмаган.

– Нима қилмоқ керак, муллолар?.. Хулоса айлангиз... – бетоқатланиб деди Шоҳ.

– Бу шайтонсувратларни жаҳаннам азобига ҳайдамоқ керак, – деди муллолардан учинчиси жунбушланиб.

Шоҳ уларга боқиб деди:

– Эсларинг борми ўзи? Мен уларни қандай қилиб ўлимга маҳкум этаман. Бунинг устига гуноҳлари бўлмаса...

– Уларнинг гуноҳлари кўп. Авом одамларни пок йўлдан оздурурлар.

– Қани гапиринг-чи? Уларнинг барчасини қандай қилиб бир кунда қатл қиламан. Дунёда бахшилар кўп бўлса...

– Эй Шоҳ! Шунча қудратингиз бўла туриб, наҳотки бир кунлик қатлга қолганда ожизсиз?..

– Гапириш осон... Халқнинг ғазабидан худо асрасин, – деди Шоҳ муллоларнинг диққатини ўзига қаратиб.

– Мамлакат Шоҳи қанчалар зулмкор бўлса, халқ шунчалар итоатгўй келади. Мамлакатда осойишталик ҳукм суради, – деди муллолардан чўриккиси.

Шоҳ унга боқиб деди:

– Оллоҳнинг қарғишидан қўрқаман.

– Шунгаям бошқотирмами, – деди саф тортиб турганлардан бешинчиси ўзини гапбилармандликка йўйиб. – Оламpanoҳ, етти иқлимга ёйиб тўй берасиз. Бахши деганингиз тўйга «ўч» бўлади. Тўйнинг овозасини эшитгач бахшилар саройингизга дўмбира-ю, созларини қўлтиқлашиб турнақатор тизилишиб келади. Бу – уларни қопқонга илинтириш усули. Сарой дарвозаларини шарақ-шуруқ беркитасиз-да, сўнг уларни битта-битта дорга тортаверасиз. Қарабсизки, бўри чангалига илинган бахшилар қўйдек тапир-тупур жон таслим қилаверади.

– Ана калла-ю, мана калла. Э-э, ўлманг мулла Машруқ, – деди унинг фикрини маъқуллаб Мулло бошиси.

Шоҳ уларнинг маслаҳатларига ён босгандай бўлди. Ва бир ҳафтадан сўнг тўй бўлишини билдириб, ҳар томон юртларга чопар жўнатди.

Муллоларнинг орасида бир ҳўдожўй мусулмонпайкари бор эди. У бўлиб ўтган шумниятлиларнинг қабоҳатли мажлислари тўғрисида достончи бахшиларнинг бирига шипшиб қўйди.

– Йўлдошбахши! Санга бир нохуш хабарни еткурурман. Диёнатсиз муллолар жам бўлишиб барчангизга зулм келтирмишлар. Шоҳимиз етти кундан кейин тўй бошламоқчи. Бу тўй ҳақиқий тўйгамас, жаллодларнинг ноғораси тилга кириб, наъра тортиб, кундалар қонга кўмиладиган томоша куни бўлади. Барча достончи-ю, бахшиларнинг бошлари таналаридан жудо бўладиган кун бўлади, – деди мулло Сидиқ.

– Ростданми, дўстим?.. Билдирганинг жуда яхши бўлди. Раҳмат санга. Ман эртага устозим – Ғойибийга чопар жўнатурман. Уларга қон ҳиди уфуриб турган хабарини етказайлик. Бу шумниятлиларга нимамиз ёқмай қолди экан-а?.. Улар мусулмон эмаслар. Чин мусулмон – санъатни севади. Халқини, мамлакатининг гуллаб-яшнашига баҳоли қудрат ҳиссасини қўшади.

> *Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,*
> *Айламоқ бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*
>
> **Алишер Навоий**

Шумхабар бахши достончилар сардори Ғойибийга тезда етказилди. Бахшилар ҳам муллоларнинг бу бадкирликларига қарши кучли сўз қуролларини эгарлаб, чархлаб, тўйга отланишди.

Эртага тўй. Ғойибий атрофига шогирд бахшиларни тўплаб Шоҳ ҳузурига киришга изн сўради. Шоҳ уларни қабул қилишга мажбур эди. Ғойибий Шоҳга боқиб деди:

– Шоҳим, тўйлар муборак бўлсин!.. Тўйингни шавқидан юзлаб бегуноҳ бахшиларнинг танасидан бошлари жудо бўлиш аломатларининг ҳиди келмоқда. Шуни яхши билиб қўйгин-ки, бу бадкир муллолар атрофингда гавжум мисол ўрмалаб, юрагингга нишларини урмакка шай бўлиб турибдилар. Мамлакат мисоли бир тирик тан бўлса, Шоҳ унинг юрагидир. Бу ҳаётбахш юракка тиғ тегса, ўша мамлакатдан тириклик сўна бошлайди. Санъатни синдириш халқни, мамлакатнинг қудратини букиш билан баробардир. Санъат халқники. Уни халқ яратади. Халқ бойитади. Халқнинг дарди ва қўшиқларини эшитган Шоҳгина дунёда энг бахтиёрдир. Зеро, санъат ва санъаткор мамлакат Шоҳига шараф келтиради, – дея қўлига созини олиб бир ашъорни сўзлай берибди.

*Соз бирла суҳбатни ёмон деманглар,*
*Одам-Ато, Момо-Ҳаво бино бўлганда бордир.*
*Қобил ила Ҳабиб ота қўйнида,*
*Улар шу дунёда келганда бордир.*
*Э ёр-е, ёронлар-е.*

*Одамни қувдилар жаннат уйидин,*
*Ҳар ким топар ўз қилмишидин.*
*Оллоҳим сақласин қаҳр-ғазабдин,*
*Нуҳ пайғамбар «Кемага» кирганда бордир.*
*Э ёр-е, ёронлар-е.*

*Муллолар йиғлашиб топмади далил,*
*Ман санга суяндим ё Раббим Жалил.*
*Исмоил пайғамбар, Иброҳим Халил,*
*Маккани бунёд қилганда бордир.*
*Э ёр-е, ёронлар-е.*

*Муллолар фарёд солиб тутди саришта,*
*Одамларнинг ҳар қайсиси ҳар ишда.*
*Оруд-Маъруд, – дерлар икки фаришта,*
*Бобул қудуқ тубида кирганда бордир.*
*Э ёр-е, ёронлар-е.*

*Муҳаммад пайғамбар дин йўлин тутди,*
*Булол азон айтди, кофирлар қочди.*
*Абу Бакир, Умар Усмон урушди,*
*Али зулфиқори келганда бордир.*
*Э ёр-е, ёронлар-е.*

*Довуд пайғамбардан қирқ ўғил бўлди,*
*Манманлик айлади, қирқиси ўлди.*
*Тавба қилди, худойим бир ўғил берди,*
*Сулаймон дунёга келганда бордир.*
*Эҳ ёр-е, ёронлар-е.*

*Ғойибий, – дерлар Хидирлар пирим,*
*Пири Шоҳимардон Али дастгирим,*
*Султон Суюн ила Мир Алишер,*
*Дунё уни тўй берганда бордир.*
*Э ёр-е, ёронлар-е.*

*Ҳикматим шулдирки, – Шоҳим,*
*Ман санга очдим кўнгил китобим.*
*Ҳар ким ёмон бўлса ўзидан кўрсин,*
*Бадкирликнинг охир заволи бордир.*
*Э ёр-е, ёронлар-е.*

Алқисса, андан сўнг Шоҳ ғуссага ботди. Саройи атрофида бир тўда қарға-қузғунлар ғиншиб «Кўксарой»ни мотамсарога айламоқ ниятида бўлиб, бойўғлилар сингари харобазор тилашаётганини англади... Шоҳ атрофига аҳли оқил фозилларни тўплади. Ўша онда «Кўксарой»га созанда-ю, аҳли раққосаларни чорлаб ҳумор туйғуларни роҳатбахш айлади. Санъатни инсон оламининг руҳий дунёси, ўлмас халқ мулки эканлигига бир бора қалбдан ишонч ҳосил айлаб ушбу фармону олийни битди: «Бугундан эътиборан санъат халқнинг ноёб мулки ҳисоблансин. Унинг қадр-қиммати эъзозлансин, юксалсин. Санъаткор аҳли мўминлари менинг давлату паноҳимда, ижод гулшани бирла камол топиб яшагайлар...»

**Турсунбой МАҲМАДАЛИЕВ**

# «ДЎСТЛИК» – ЧЕМПИОН!

Ҳа, «Дўстлик» жамоаси бутун мавсум давомида чемпионликка бўлган даъвосини VIII Миллий чемпионат тугашига бир тур қолганда расмийлаштириб олишга муваффақ бўлди. У ўз майдонида «Металлург» жамоасини қабул қилиб 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди ва ўз очколари сонини 64 тага етказиб чемпионлик унвонини қўлга киритди. Шуни таъкидлаш керакки, янги чемпион иккинчи даврада бир неча моҳир ва тажрибали ўйинчиларсиз иштирок этди. Шунга қарамай эришилган бу катта ғалаба жамоада ўринбосарлар тайёрлашга ҳам эътибор кучли эканлигини тасдиқдан ўтказди.



Самарқандда эса майдон эгалари бир неча ойдирки «Дўстлик»ни таъқиб қилиб келаётган «Нефтчи» жамоасини қабул қилди. Гарчанд учрашув самарқандликларнинг ҳужуми остида ўтган бўлса-да, омад меҳмонларга кулиб боқди. Иккинчи бўлимнинг йигирма учинчи дақиқасида Сухроб Салохиддинов томонидан киритилган ягона тўп ўйин тақдирини ҳал қилди. «Нефтчи» 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб чемпионатнинг кумуш медалини нақд қилиб қўйди.

Айтиш мумкинки, бронза медали ҳам ўз эгасини топди. Янгиерда майдон эгаларига қарши ўйнаб уч тўп киритиб, ўз дарвозасидан эса бир тўп ўтказиб юборган «Навбаҳор» таъқибдошларидан анча илгарилаб кетди.

Тошкентда «Трактор» – «Пахтакор» учрашуви ҳам ғоят қизғин курашлар остида ўтди. Ўйиннинг дастлабки дақақалариданоқ пахтакорчилар майдон эгалари дарвозасини «Ўқҳа» тута бошладилар. Натижада «Трактор» қаторасига уч марта ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур бўлди. Лекин тракторчиларга қойил қолиш керак. Хотиржамликка берилган «Пахтакор» дарвозасини икки марта ишғол қилиб, рақибларга футболда сўнгги сонияларгача ўйнаш зарурлигини эслатиб қўйишди. Худди шундай ҳисоб Қўқонда ҳам қайд этилди. «Хоразм» ниҳоят иккинчи даврада, сафарда ғалаба қучди.

Андижонда стадионга йиғилган мухлислар дарвозаларга киритилган 7 та тўпнинг гувоҳи бўлдилар. Майдон эгалари «Бухоро» жамоаси билан учрашувда ташаббусни ўз қўлларига олдилар ва меҳмонлар дарвозасига 6 та тўп киритиб ўз дарвозаларидан 1 та тўп ўтказиб юбордилар, холос. Андижонликларнинг ҳужумчиси Бахтиёр Ҳамидуллаев 4 тўп муаллифи бўлди. Шундай қилиб, у чемпионат давомида киритган тўплари сонини 24 тага етказиб Умид Исоқовга етиб олди. Тўпурарлар баҳсида ким карвонбоши бўлиши энди сўнгги турда аниқланади.

«Зарафшон» ўз майдонида «Насаф» футболчиларини қабул қилди. Ўйиннинг биринчи бўлимида дарвозалар дахлсизлиги сақлаб қолинди. Бироқ бу майдон эгаларини асло қониқтирмасди. Шу боис иккинчи бўлимда улар ҳужумга янада зўр бердилар ва Анвар Қосимов томонидан киритилган тўп шарофати билан «Зарафшон» муҳим ғалабага эришди. Бу ютуқдан сўнг «Зарафшон» тўплаган очколар сони 30 тага етди. Келгуси йил биринчи лигада тўп суриши аниқ бўлиб қолган «Янгиер» билан шерик бўладиган «номзодлар» Термизда ўзаро учрашдилар. Моҳир футболчи ва мураббий Биродар Абдураимов мураббий қилиб тайинлангач, анча ўзини ўнглаб олган «Сурхон» жамоаси ўз майдонида «Сўғдиёна» устидан 2:1 ҳисобида муҳим ғалабани ва олтинга тенг 3 очкони қўлга киритди. Унинг ҳисобидаги очколар 29 тага етди.

Сўнгги XXX турда Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси Тошкентда собиқ чемпион «Пахтакор» билан учрашади. Бу учрашув турнинг марказий ўйинларидан ҳисобланади. Янги чемпион, кучлими ёки собиқ чемпионми деган саволга жавоб олинади. «Навбаҳор» – «Самарқанд» учрашуви ҳам энг қизиқарли учрашувлардан бири бўлиши кутилмоқда. Қисқаси, 6 ноябр шанба куни ўтказиладиган саккиз ўйин барча саволларга нуқта қўяди.

**Талъат ЮСУПОВ.**

### ОЛИЙ ТАБАҚА ЖАМОАЛАРИНИНГ 29-ТУРДАН СЎНГ ЖАДВАЛДА ТУТГАН ЎРНИ

| ЖАМОАЛАР | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| «Дўстлик» | 29 | 20 | 4 | 5 | 77-41 | 64 |
| «Нефтчи» | 29 | 19 | 3 | 7 | 68-34 | 60 |
| «Навбаҳор» | 29 | 17 | 7 | 5 | 53-34 | 58 |
| «Пахтакор» | 29 | 17 | 4 | 8 | 66-40 | 55 |
| «Самарқанд» | 29 | 15 | 8 | 6 | 57-36 | 53 |
| «Андижон» | 29 | 12 | 7 | 10 | 53-45 | 43 |
| «Металлург» | 29 | 11 | 5 | 13 | 40-43 | 38 |
| «Хоразм» | 29 | 11 | 5 | 13 | 37-39 | 38 |
| «Бухоро» | 29 | 10 | 6 | 13 | 42-49 | 36 |
| «Насаф» | 29 | 10 | 5 | 14 | 41-52 | 35 |
| «Трактор» | 29 | 9 | 7 | 13 | 42-59 | 34 |
| «Темирйўлчи» | 29 | 10 | 3 | 16 | 49-77 | 33 |
| «Зарафшон» | 29 | 8 | 6 | 15 | 36-50 | 30 |
| «Сўғдиёна» | 29 | 7 | 8 | 14 | 38-52 | 29 |
| «Сурхон» | 29 | 7 | 8 | 14 | 43-53 | 29 |
| «Янгиер» | 29 | 3 | 6 | 20 | 20-58 | 15 |

## «Ҳар тўғрида»

Австралиянинг Бунарга шаҳрида капалак қуртига ҳайкал ўрнатишган. Гап шундаки, бир вақтлар бу мамлакатда манзарали девор ҳосил қилиш мақсадида тиканли кактуслар экилганди.

Бироқ кўп ўтмай бу ўсимлик майдонларини ҳам босиб кетди. Шунда фермерлар Мексикадан ипак қуртига ўхшаган бир хил капалак қурти келтиришиб, экинзорларга тарқатишди.

Буни қаранг-ки, зарарли кактусларни йўқотишда бу митти «заҳматкаш»лар трактор ва бошқа машиналардан ҳам устун чиқиб қолди.

***

Одамнинг қарийб 15 миллиард асаб ҳужайрасидан иборат бўлган мияси оғирлиги бутун тана оғирлигининг атиги икки фоизини ташкил қилади. Бироқ асаб ҳужайралари бошқа тўқималарга қараганда кислородни бир неча марта кўп сарфлайди.

Шу сабабли одам баданида кислород етишмай қолса, бунинг таъсири аввало асаб ҳужайраларига бўлади. 4-5 дақиқа нафас олмаслик натижасида улар ҳалок бўлиши мумкин.

Тананинг ва айниқса олий асаб тизимининг кислород билан яхши таъминлаб туриш учун эрталаб ва вақти-вақти билан кун бўйи машқлар қилиш фойдадан ҳоли эмас.

*Ёшларни ҳар томонлама камолга етказишда санъатнинг ўз ўрни бор. Маънавий дунёнинг қанчалик бой бўлишлиги келажак ҳаётимизнинг шунчалик мазмунли ўтишлигини таъмин этади. Шу боис, мустақил диёримиз фарзандларини тарбиялашда руҳий олам кенглигини инкишоф этиб, табиатга меҳр уйғотиш мақсадида мактабларда чизмачилик дарсларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада Тошкент шаҳридаги 118-мактабда ибратли ишлар амалга оширилаётир.*

*Нурмуҳаммад Қўчқоров ўз касбининг устаси бўлиб, болалардаги ботиний қобилиятларни юзага чиқаришда жонбозлик кўрсатмоқда. У раҳбарлик қилаётган тўгаракда ўқувчилар расомчилик, меъморчилик каби соҳаларни яхши ўзлаштираётир. Болажонларнинг чизган суратлари шаҳар кўргазмаларида муносиб ўринларни эгаллаб келмоқда.*

Суратда: тўгарак раҳбари Н.Қўчқоров навбатдаги машғулотда «Камалак» сирлари ҳақида сўз юритмоқда.

**Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.**




## Газетхон илтимосига кўра

# ВАРИКАЗ КАСАЛЛИГИ НИМА?

*Вариказ касаллиги – вена қон томирларининг энг кенг тарқалган касаллигидир. У билан ҳар иккинчи аёл ва ҳар олтинчи эркак касалланади. Бу веноз клапанлар касаллиги бўлиб, асосан оёқ, тўғри ичак, уруғ тизимчасининг веналари кенгаяди. Оёқларда икки турдаги – юзаки ва чуқур веналар мавжуд бўлиб, юзалари умумий қон оқимининг 15 фоизида иштирок этади. Клапанлар йиллар ўтиши билан ўзгаради ва натижада қон димланади. Бу оёқлар томирларидан қон оқиши бузилишига ва касалликнинг асосий клиник белгиси – кўкарган, жимжимадор ҳалқа шаклидаги вена қон томирлари пайдо бўлишига олиб келади.*

Маълумотларга қараганда, бу хасталикка хотин-қизлар эркакларга нисбатан 4-6 баробар кўп чалинар эканлар. Кенгайган веналар оёқда бўлса, оёқ шишиб, оғир тортади, оғрийди, бемор тез чарчайди, юриши қийинлашади, бора-бора оёғини мутлақо боса олмай қолиши мумкин. Касаллик зўрайиб кетганда операция қилинади (Вариказ, бавосил, варикацеле ва бошқалар). Ҳозирги вақтда оёқ вена қон томирларининг касалланишини ташхис қилишнинг асосий усули ультратовуш ҳисобланади.

Операциядан олдин ва кейин консерватив терапия усуллари муҳим аҳамиятга эга бўлади: статистик юкланишларни, оғир нарсаларни кўтаришни чеклаш, эластик компрессияни (даволаш колготкалари, пайпоқлари кийиб олиш ёки бинт билан ўраб қўйиш) қўллаш, даволаш учун қулай ва самарали имкониятлар яратиши аниқланган.

Нотўғри (овқатланиш, меҳнат қилиш, дам олиш), зарарли одатларга ружу қўйиш (спиртли ичимликлар ичиш, тамаки, нос чекиш ва бошқалар), семириб кетиш ва бошқалар веналарнинг вариказ кенгайишига олиб келишини унутманг.

Қуёш нури ва қаттиқ уқалаш (массаж) томири кенгайган бемор учун зарарли ҳисобланади.

Бемор кўпроқ витаминларга, минерал моддаларга ва микроэлементларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари – творог, сут, қатиқ, ҳўл мева, сабзавот, ошкўклар, шарбатлар – айниқса, анжир, ўрик, карам, қизил лавлаги, шотут, қулупнай, ошқовоқ, тарвуз, бодринг, сабзи ва бошқаларни истеъмол қилиши керак.

Сабзавот салатларга уксус (сирка) қўшиб истеъмол қилинса, тромбалар пайдо бўлишидан сақлайди.

Узоқ вақт вертикал ҳолатда бўлинса ёки стулларда кўпроқ ўтирилса қон димланиши ҳосил бўлади. Агар сиз ишда кўп юрсангиз 20-30 минут ўтиринг ёки ётиб олинг, бунда оёқларингиз тос суягидан юқори бўлиши керак.

Тургандан ёки ўтиргандан кўра юрган яхши, чунки юрилганда оёқ мускуллари димланган қонни маълум даражада ҳайдаб туради.

Узоқ вақт бир жойда туриб ишлайдиган кишилар оёқларини бироз очиб товон ва бармоқларни галмагалдан ҳаракатлантиришлари лозим.

Шифокор тавсияси бўйича турли маз, кремлардан, настойка, бальзамлардан фойдаланиш яхши натижа бериб, улар қувват бахш этишидан ташқари, оғриқни қолдирувчи хусусиятга ҳам эга.

Бир ош қошиқ қуруқ майдаланган крапива (газанда ўт) баргларини бир стакан (200 гр) қайнаган сув солиб, 15 дақиқа ушланг, докадан ўтказинг. 1/3 стакандан (65 гр) овқатдан 15 дақиқа аввал кунига 3 маҳал қабул қилинг.

Карам баргларига тухум оқи билан аралаштирилади. Компресс шаклида кечасига зарарланган жойларга қўйилади.

Ишдан кейин яқинроқ масофага секин юриб бориш оёққа анча дам беради, бадантарбия, жисмоний тарбия яхши наф беради.

Оёқни тез-тез илиқ сувда совунлаб ювиб туриш керак. Сувда ялангоёқ юриш ҳам қон юришини яхшилайди ва томирларда қон тўхтаб қолишини камайтиради.

**С.МУҲАММАДИЕВ,**
**мутахассис.**

**ISHONCH**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти–21.00 Топширилди 21.30

Буюртма Г— 0919. 1 2 3 4 5 6